

Ҳожиларимиз эҳромларда Мино водийсига йўл олди



08:07 / 04.06.2025 823

3 июнь куни Макка шаҳридаги ўзбекистонлик зиёратчилар ўзлари турган меҳмонхоналарда ғусл қилиб, эҳром боғлаб, ҳаж нияти ила имону ихлос билан лаббайкани айтиб Мино водийсига йўл олдилар.

Эслатиб ўтамыз, зулҳижжа ойининг саккизинчи куни (бу кун бизда "ёлғон арафа", арабчада эса "тарвия куни" дейилади) Минода ҳожилар тоату ибодатда бўладилар. Минода тарвия кунининг бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозлари ўқилади. Асосан дуо, ибодат билан машғул бўлинади. Ислом тарихида Пайғамбар алайҳиссалом шундай қилганлар.

Маълумот учун, бўлғуси ҳожиларимиз 4 июнь чоршанба куни Мино водийсида, 5 июнь пайшанба куни эса Арафот ва Муздалифа водийларида ҳаж амалининг асосий кунларини адо этадилар.